



# Ishonch

**Моҳият**  
**Кучли**  
**ИЖТИМОЙ**  
**СИЁСАТ** —  
**ИҚТИСОДИЙ**  
**ЎЗГАРИШЛАР-**  
**НИНГ ИШОНЧЛИ**  
**КАФОЛАТИ.**  
 Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Давра суҳбати



## ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ЮТУҚЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

**Мамлакатимиз касба уюшмалари фаолиятида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик муҳим аҳамият касб этади. Бунинг ўз ичига касба уюшмалари Федерациясининг кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан тузган келишув ва меморандумлари меҳнаткашлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этишида асос бўлиб хизмат қилаётганида кўриш мумкин. 2011 йилда Вазирлар Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун имзоланган Бош келишув ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.**

Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда жойларда имзоланган жамоат шартномалари ва келишувларига давр талабига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, мазмунан бойитилмоқда. Натижада ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ҳаётига татбиқ этиш, жамоат шартномалари орқали кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоат назоратини кучайтириш каби йўналишларда тизимли ишлар йўлга қўйилди.

ЎзКУФК томонидан ташкил этилган «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусидаги давра суҳбатига ўтган даврда бу борда эришилган ютуқлар ва келгусидаги вазифалар атрофида муҳокама этилди.

Унда Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, Молия, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш, Иқтисодиёт, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Бош про-

куратура, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Саноатгеоконтехназорат», «Ўздавэнегрозорат» давлат инспекциялари, Санитария-эпидемиология республика маркази, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамда Касба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотлар мутасаддилари иштирок этилди.

**Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева давра суҳбатини очар экан, жумладан, шундай деди:**  
 — Давра суҳбатимиздан асосий мақсад меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечими хусусида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, Юртбошимиз раҳнамоларида амалга оширилган ислохотлар моҳиятини тарғиб қилишни янада кучайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирларни белгилаб олишдир.

Маълумки, касба уюшмалари меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари-

ни қўллаб-қувватлаш борасида давлатнинг энг яқин ҳамкори ҳисобланади. Шу йилнинг бошида уч томонлама имзоланган Бош келишув фаолларимиз томонидан мамнуният билан кўтилди. Чунки бу ҳужжат ўз навбатида жойлардаги ҳудудий, тармоқ ва тариф келишувлари ҳамда энг қуйи бўғинда амалда қўлланилаётган жамоат шартномалари мазмун-моҳиятини ўзгартириш, бойитиш ҳамда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини янада яхшироқ ҳимоя қилиш имконини берди. Жамоат шартномалари қайта кўриб чиқилди. Бундан ташқари, ёшлар масаласи, жумладан, уларни иш билан таъминлаш, амалиёт ўтаётган коллеж ўқувчилари учун яратилган иш ўринларининг барқарорлигини мониторинг қилиш ҳамда тегишли тавсияларни иш берувчиларга тақдим этиб, ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, жамоат шартномаларида хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш бўйича алоҳида йўналишлар киритилди. Бу хотин-қизларимизнинг таъминлаш ҳимоясида шарт-шароитлар яратиш, маънавий дунёқарабини бойитиш бўйича олиб борилган ишларни янада такомиллаштиришда қўл келмоқда. Ушбу ишларни янада мазмунли ташкил этиш мақсадида кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорлик режаларини ҳам ишлаб чиқди. Улардаги аниқ чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Келгуси йилда бу йўналишдаги фаолиятимизни янада такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтиришимиз лозим.

Касба уюшмалари Федерациясига «Ижтимоий шериклик тўғрисида» қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш топширилган эди. Ишчи гуруҳи томонидан қонун лойиҳаси тайёрланди, жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама этилди.

Ўтган бир йил давомида жамоат шартномаларининг ба-жариллиши чуқур таҳлил қилиниб, меҳнаткашлар томонидан билдирилган тақлифлар тегишли вазирликларга тақдим этилди. Бугунги давра суҳбатимиз нафақат касба уюшмаларининг кейинги йилдаги иш режаси, балки ҳамкор ташкилотлар иш режаларини мувофиқлаштириш учун ҳам амалий кўмак бўлади.

(Давоми 2-3-бетларда)

## Муस्ताқил мамлакатнинг баркамол ёшлари

Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида 23 декабр куни Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг учинчи қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултойда «Камолот»нинг туман, шаҳар ва вилоят бўлимларидан делегатлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, маънавият ва маърифат соҳаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Қурултой делегатлари дастлаб Муस्ताқиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Мамлакатимиз ёшларининг қурултойи очиб деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев Ҳаракатнинг ўтган беш йил давомидаги фаолияти ва навбатдаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларни амалга ошириш «Камолот»нинг ўтган беш йиллик фаолиятида асосий дастуриламал бўлди.

Баркамол авлодни тарбиялаш халқимиз учун истиқлол йилларида энг эзгу мақсад, умуммиллий вазифага айланди. Президентимиз раҳнамоларида муस्ताқилликнинг дастлабки йилларидан жисмонан ва маънави соғлом, фикри тинчлик, интеллектуал салоҳияти юқори авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир доғони ёшлар ҳаёти, баркамол авлод тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Том маънодаги баркамол авлод — муस्ताқиллик фарзандлари бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланган бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки ойларида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларга замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия бериш, уларнинг иқтисод ва истеъдодини юзага чиқариш, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш имконини бермоқда.

Касб-хунара коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича жаҳонда ўхшаши йўқ, халқорол ҳамжамиятнинг ҳақли эътирофига сазовор бўлаётган мақсадли дастурлар асосида юртимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий таълим муассасалари қад ростилади. Буларнинг барчаси ягона мақсадга — дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати муносиб иштирок этмоқда. «Камолот» ўзининг ёшларга хос бўлган ҳаракати, соғлом гош ва интилишлари билан ҳар бир йигит-қизнинг қалбидан чуқур жой олмоқда. Ёшларимизнинг том маънода таянчи ва сунъичига айланмоқда.

Бу ҳужжатлар «Камолот»нинг ўтган беш йиллик фаолиятида ўзининг яққол ифодасини топди. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, ёшларнинг истеъдод ва қобилиятини қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбия, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби соҳаларда амалга оширилган қўллаб-қувватлаш

ишлар ўз сафларида 5,5 миллиондан ортиқ ёшларни бирлаштирган ҳаракат фаолиятида юксак натижалари билан ёрқин акс этди. «Камолот» сафларида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, жаҳон ва Олимпиада чемпиналари, ёш тадбиркорлар, истеъдоди ва қобилияти билан халқорол муслика фестиваллари, фан олимпиадалари, кўрик-танловлар голиблари бўлган ёшларнинг кўпайиб бораётгани ташкилот нуфузи тобора юксалаётганидан далолатдир.

Бугун «Камолот» кириб бормаган соҳа йўқ. Барча ўқув муассасалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, қўллаб-қорхоналар, хўжаликлар, давлат, жамоат ва нодавлат ташкилот, муассасаларда 15 мингдан зиёд бошланғич ташкилот ёшларни ўз сафига бирлаштирган. Ҳаракат турли лойиҳалар орқали ёшларнинг кенг қатламига кириб бормоқда.

Ёшлар бандлигини ошириш, уларни касб-хунарга йўналтириш, оммавий таҳдидлар, «оммавий маданият» таъсиридан асраш, ёшларга ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, спортни омалаштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Йигит ва қизларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда билим даражасини ошириш борасида мунтазам гамхўрлик кўрсатилаётган. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фестиваллар, кўргазмалар ва ижодий танловлар ўтказилмоқда. «Талабалар фестивали», «Ёани «Камолот» билан ўтказ» анъанавий анжуманлари, «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови, «Конституция — бахтимиз пойдевори» ҳуқуқий тарғибот поездлари, «Биз — гйёҳвандликка қаршисиз!», «Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» ойлари, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари, «Камолот» маликаси, «Камолот» кубоги», «Камолот» шахмат тахтаси» каби спорт мусобақаларининг иштирокчилари доираси йилдан-йилга кенгаймоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазмун-моҳиятини ёшларга етказишга қаратилган тадбирларда юртимизнинг барча ҳудудларидан минглаб ёшлар қамраб олинди. Ёшлар ҳуқуқий онги, сиёсий маданиятини ошириш билан бирга, Концепция доирасида ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳалари муҳокамаларида фаол иштирок этиб, ўз тақлифларини билдирди.

Замонавий касб-хунарни эгаллаган ёшларни қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка кенроқ жалб этиш «Камолот» дастурий мақсадларининг устувор йўналишларидан. Шу мақсадда ўтказилаётган «Ёш тадбиркор — юртва мададор» лойиҳаси доирасида 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида 1452 нафар йигит-қизга 4,2 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар олишга кўмаклашилди. 2008-2011 йилларда эса беш минг нафарга яқин йигит-қиз 12,1 миллиард сўм миқдорда ана шундай микрокредитларга эга бўлди.

Ёш тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларга ўз шахсий бизнесини йўлга қўйишда амалий кўмак бериш мақсадида ҳудудларда «Ёш тадбиркор» консалтинг марказлари ташкил қилинган. Туман, шаҳар кенгашлари қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказида ҳар йили минглаб ёшлар касб-хунарга ўрганилмоқда. Ушбу марказларнинг қарийб 40 фоизи олис кишлоқ ва овуларда ташкил этилгани эътиборга моликдир. Ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мунтазам ўтказиб келинаётган меҳнат ярмаркаларида 2010 йилнинг ўзига 3 минг нафар йигит-қиз бевосита «Камолот» кўмагида ишга жойлашди.

(Давоми 2-бетда)

Президент китоби ўрганилмоқда

«Туркистон» хусусий очик акциядорлик инвестицион банкида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон муस्ताқилликка эришиш остонасида» китобини ўқиб-ўрганишга бағишланган семинар ўтказилди.

## Олий қадрият инъикоси

Йигилишда давлатимиз муस्ताқилликни қўлга киритиш арафасида ҳамда ундан кейинги ойларда бошдан кечирган жараён тўғрисида сўз юритилди. Шунингдек, китобда тарихий материалларнинг қатъи қисми бевосита миллий тикланиш, ўзлигини англаш, халқимизнинг маънавиятини юксалтириш масалалари бағишланганлиги алоҳида таъ-

кидланди.  
 — Муस्ताқил Ўзбекистон давлатининг вужудга келиши халқимизнинг тарихий галабасидир. — деди банкининг касба уюшма қўмитаси раиси Адхам Раҳимов. — Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимиз ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида ушкан ишлар амалга оширилди. Ушбу китобдаги

барча йўналишларни бирлаштириб турадиган энг муҳим фаилалт — Ватанимиз истиқболига фидойилик, халқнинг озодлиги, ёруғ келажаги ва бахту саодати учун ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туриш тўғрисида. Шу боисдан маъзур асарни олий қадриятларимизнинг инъикоси дейиш мумкин.  
 Ўз мухбиримиз

## Бахтимиз кафолати

Алоқа ходимлари касба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бирлашган касба уюшма қўмитаси томонидан «Конституция — тинчлигимиз, бахтимиз, истиқлолимиз кафолати» мавзусида конференция ташкил қилинди. Унда соҳа ходимлари, касба уюшма фаоллари иштирок этди. Тадбир Президентимизнинг «Ўзбекистон муस्ताқилликка эришиш остонасида» китоби хусусидаги қизгин фикрлардан бошланди.  
 Фуқаролик жамиятларини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон ҳудудий бўлими етакчи му-

тахассиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист Қўжабой Қабулов, Республика маънавият-маърифат маркази раиси ўринбосари Якупов Ажимов асар мустақил Ўзбекистоннинг 20 йиллик тарихини ўрганишда жуда аҳамиятли эканини таъкидлади.  
 Шунингдек, Бош Қомусимиз асосида қўллаб қонунлар, қонуноти ҳужжатлари, қарорлар, фармойишлар, дастурлар қабул қилинган, улар эндиликда Ўзбекистон фуқароларининг тинч ва фаровон турмуш кечиришига хизмат қилаётгани айтаётган. Конференцияда иштирокчиларни қизиқтирган қўллаб саволларга жавоб қайтарилди.  
 \*\*\*  
 Хоразм вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳам Юртбошимиз-

нинг «Ўзбекистон муस्ताқилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди. Унда бирлашма, тармоқ касба уюшмалари вилоят кенгашлари ишчи-хизматчилари, касба уюшма фаоллари иштирок этди.  
 Тадбирни вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Б.Матякубов бошқарди. Шундан сўнг Урганч Давлат университети кафедраси мудири, сиёсатшунослик фанлари номзоди Озод Абдуллаев ҳамда миллий истиқлол госяси кафедраси катта ўқитувчиси Шокир Отаевнинг маърузалари тингланди.  
 Муҳаббат ТўРАБОВЕВА,  
 «Ishonch» мухбири

# Мустақил мамлакатнинг баркамол ёшлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳузурида тузилган «Камалак» республика болалар ташкилотининг туман, шаҳар ва вилоятларда 2,2 миллион нафардан ортиқ мактаб ўқувчисини бирлаштирган бўлимлари ишлаб турибди. «Камалак» болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш, уларнинг мустақил юртимиз тарихи, маданиятига оид билиминини кенгайтиришга фаол ҳисса қўшмоқда.

Курултойда сўзга чиққанлар «Камолот» фаолиятида йўл қўйилган камчиликларга ҳам атрофлича тўхталдилар. Ёшлар ҳаракатининг Низом ва Дастурида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни тўлиқ амалга оширишда тўсиқ бўлаётган муаммолар, уларнинг ечими ҳусусида фикрлашдилар. Айрим ҳолларда Ҳаракат фаолиятида расмийлаштирилган, тадбирларни шунчаки ҳисобот учун ўтказиш, ёшларнинг ҳаётий муаммоларидан узоклашиб қолатилган кузатишлар, ёш атакчиларнинг қобилият ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, бу ёшлар, айниқса, олис туманларда яшаётган йигит-қизларнинг «Камолот» олдига қўйилган амалий вазифалардан четда қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўтказилаётган лойиҳаларни янгилаш ва уларни замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш зарурати мавжуд. Ёшларга, айниқса, вояга етмаганларга ҳуқуқий маслаҳат берадиган тизимни йўлга қўйишни бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки, «Камолот» ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тезкор амалий ёрдам кўрсатадиган мулоқотни таъминлаш лозим. Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, оммавий таҳдидларга қарши курашишга қаратилган лойиҳаларга ёшларни жалб этиш ишларини ҳам талаблар даражасида, деб бўлмайди. Хусусан, маънавий муҳитга, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни бартараф этиш юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда Ҳаракатнинг ўрни ва роли кам сезилмоқда.

Олис ҳудудларда яшаётган ёшларни кичик бизнес фаолиятига жалб этиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, давлат рўйхатида ўтиш, тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олишларига кўмаклашишда ҳам мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида битирувчи, таълим муассасаси ҳамда иш берувчи ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномалар ижроси юзасидан «Камолот» қатъий жамоатчилик назоратини ўрнатиши лозим.

Давлат миқёсидаги нуфузли танловларга иқтидорли ёшларни жалб этиш ва тавсия қилиш, ёшлар манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ишларнинг самараси етарли эмас. Қўйилган мамлакатимизда истиқомат қилаётган ёшлар ўртасида миллиятлараро тотувлик, диний багрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган дўстлик фестиваллари, учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар кўлами ва самарадорлигини янада ошириш — давр тақозоси.

Янги 2012 йил — Мустақкам оила йилида ёш оилалар билан ишлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш талаб этилади. Хусусан, миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган айрим иллатлар — тўй-маъракалардаги ортиқча даб-дабозлик, исрофгарчилик, қизларни эрта турмушга узатиш каби ҳолатларнинг олдини олиш, уларга қарши курашишда ёшларнинг фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада «Камолот» ёшларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириши, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик, оила институтлари билан ҳамкорликни кучайтириши зарур. Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш масаласида «Камолот» уларга кўмакчи ва суянч бўлмоғи кераклиги таъкидланди.

Ёшларнинг тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириш, уларни касб-хунарга йўналтириш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, йигит-қизларни «оммавий маданият», турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда бугунги замон талаби асосида, мутлақо янги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш даркор.

Буларнинг барчаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши, орау-умидларини рўбга чиқарувчи, ёшларга доир давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишда уларнинг ваколатли вакили бўлиши учун ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишни талаб этади. Ёшларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларини янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, давлат ва жамоат тузилмалари, ёшлар халқаро ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш «Камолот»нинг келгуси фаолиятида устувор аҳамият касб этмоғи лозим.

Ушбу асосий йўналишлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг курултойи делегатлари муҳокамасига ҳавола этилган янги тахрирдаги Низом ва Дастурида ўз аксини топган. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши расмининг биринчи ўринбосари Ф.Худаммадхонова ушбу ҳужжатларнинг янги тахрирдаги лойиҳаси тўғрисида ахборот берди.

Курултойда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида мазкур комиссия раиси Р.Эргашев маъруза қилди.

Курултой делегатларидан Навоий педагогика коллежи ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Лайло Орзиева, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қунов-механика заводи устаси, «Камолот» бошланғич ташкилоти етакчиси Фарход Илхомов, «Камолот»нинг Бухоро вилояти кенгаши раиси Адолат Ақромов, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсанти Азизбек Матназаров, «Камолот»нинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Маҳмуд Асомов, «Камолот»нинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Зафар Ханьязов, Фарғона давлат университети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Дилнавоз Қўлдошева ва бошқалар мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий ҳаракати фаолиятини янада яхшилаш борасида ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифларини билдирди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан ёшларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ва юксак эътибор ёш авлод вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклаши, бошланғич ташкилотлар ҳамда ёшлар ҳаракати аъзоларини янада фаол бўлишга ундашни таъкидладилар.

Делегатлар муҳокамасидан сўнг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг янги тахрирдаги Низомини ва Дастури қабул қилинди.

Курултойда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг марказий кенгаши таркиби сайланди. Б.Ғаниев марказий кенгаши раиси этиб сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Хусниддин БЕРДИЕВ,  
ЎзА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан жорий йилда давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик асосидаги фаолиятни кучайтириш йўналишларида тизимли ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Мудофаа, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Нуроний» жамғармаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, «Саноатгеоэкотехназорат» давлат инспекцияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан қўшма тадбирлар режаси тасдиқланди. Ёшлар маънавиятини юксалтириш йўналишидаги ишлар сифатини ошириш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорлик битими имзоланди. Мазкур қўшма тадбирлар ва ҳамкорлик битимлари доирасида амалга оширилган ишлар жойларда меҳнат кишиши манфаатлари йўлидаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 59 минг нафарга яқин фуқаро ва 33,4 мингга яқин оила ижтимоий кўмак билан қамраб олинди.

Бундай тадбирлар ногиронлар, кўп болали оилалар, 3 ёшга боласи бўлган аёлларга, меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини корхоналар ҳисобидан дам олдириш ва соғломлаштириш, ходимларга асосий, қўшимча ва ижтимоий таътилларни корхона ҳисобидан узайтириб бериш, ёш болали аёлларга иш вақтини қисқартириш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари олиб бериш каби тадбирларни ўз ичига олган.

Хусусан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тадбирларига мувофиқ жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 500 та корхонадаги минг нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари 37,5 млн. сўмлик ўқув қуроллари билан таъминланди. Шунингдек, 1412 та кичик бизнес корхонасида 3127 та кам таъминланган оилаларга 201,8 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қасаба уюшмалари томонидан 32 та олий ўқув юрти билан ҳамкорлик тўғрисида ишлаб чиқилган дастур асосида кам таъминланган талабаларга устама стипендиялар таъсис этилди. Қўзи ожиз 70 нафар талаба махсус плеев ва ўқув қуроллари билан таъминланди. 40 нафар профессор-ўқитувчи ва ишчи-ҳодимлар бепул соғломлаштирилди. Худди шундай ишлар республиканинг барча ҳудудларидаги олий ўқув юртлари билан тармок қасаба уюшма ташкилотлари ўртасида ҳам амалга оширилди.

**Фурқат Халилов, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўринбосари:**

— Меҳнатқашларни қўллаб-қувватлаш борасида вазирлигимиз томонидан қўллаб-қувватлаш бўлими олдирди. Аввало, ишсиз аҳолини банд бўлмаган ва квоталанган иш ўринларига жойлаштириш, уларни қасаба тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга эътибор қаратилди. Биринчи навбатда, аёллар, коллеж битирувчилари ва ҳарбий хизматдан бўшқанларни ишга жойлаштириш ҳамда ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш каби ишларга алоҳида аҳамият берилди.

Кейинги вақтда янги иш ўринлари яратиш ва шу орқали фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг 9 ойида Бандликка кўмаклашув марказларига мурожаат этган 549 200 нафар аҳолининг 487 300 нафари ишга жойлаштирилди. Шунингдек, коллеж битирувчиларининг 90 фоиздан ортигининг бандлиги таъминланди. Ушбу даврда республикамизда 815 минг 400 та иш ўрни яратилди.

Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлар бўйича алоҳида дастурлар белгиланди. Бунда ушбу меҳнат, миллий хунармандчилик, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, жумладан, унинг жойлардаги тизимлари билан ҳамкорлик бандлик борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги меҳнат муҳофазаси бошқармаси бошлиғи-

нинг ўринбосари Нозима Сулаймонова йиғилиш қатнашчиларидан тушган куйидаги саволларга жавоб қайтарди:

**Савол: Қўллаб қорхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандисларининг штат бирликлари қисқартирилган. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга биноан жойларда меҳнат муҳофазаси инспектори лавозими қайта жорий этилса, ишлаб чиқаришдаги жароҳатли ишлар қамаймайди?**

**Жавоб:** «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиш белгиланган. Жорий йилда давлат меҳнат техник инспекторлари томонидан 2137 та корхонада текширув ўтказилиб, аксарият ҳолатда меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ташкил этилмаганлиги ёки лавозимлар жорий этилмадани кўшимча вазифа сифатида ходимга қўлатиш ҳоллари аниқланди.

Ушбу ҳолатлар бўйича ёзма кўрсатмалар берилиб, мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Вазирлик ходимлари томонидан барча корхоналар хатловдан ўтказилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш тизими

олиб бориш;

- меҳнат шарт-шароитларини яхшилашга ҳамда хавфсиз ва самарали меҳнат қилиш шароитларини яратишга, ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш (малакасини ошириш);

- ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш;

- касб касаликларининг олдини олиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилишни тарғиб этиш воситалари билан таъминлаш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича конференциялар, семинарлар, йиғилишлар ва курғазмалар ўтказиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этиш;

- меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни рағбатлантириш;

- ташкилотнинг ички норматив ҳужжатлари билан белгиланадиган меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланиш;

# ИЖТИМОЙ



## Ютуқлар ва

- меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг истиқболдаги ва йиллик режаларини ишлаб чиқиш;

- чанг босганлик, захарли газлар билан ифлосланганлик, вибрация, шовқинчи, бошқа хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини, ёнғин-портлаш хавфини, огир қўл меҳнатини қамайтириш (бартараф этишни) талаб қиладиган ишлаб чиқаришлар, участкалар, объектлар, технологик жараёнларни аниқлаш;

- зарарли ишлаб чиқаришларда ва огир ишларда банд бўлган ходимлар (айниқса, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар) сонини қамайтириш, меҳнатнинг хавфсизроқ шарт-шароитларини яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- вентиляция қурilmалари, санитария-маиший қурilmаларни жорий таъмирлаш қабилар шулар жумласидан.

**Саид Ғафоров, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика Санитария-эпидемиология маркази бўлими бошлиғи, қасаба уюшма кўмитаси раиси:**

— Иш берувчи имкониятига ҳам эътибор қаратиш жоиз. Хусусан, махсус кийим-бош ва сўт маҳсулотларига нарх чегараланиши бозор шароитига тўғри келмайди. Бюджет ташкилотларида йиллик смета маблағларини белгилашда шу жиҳатларни ҳисобга олиш керак, деб ўйлайман.

**Шухрат Мансуров, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси директор ўринбосари:**

— Кўп ҳолларда тугатилган ҳўжалик ва ташкилотларда ишлаб меҳнат қобилиятини йўқотган ходимларга давлат томонидан маблағ ажратилмоқда. Бунга ўхшаш ҳолатларнинг келиб чиқишини қамайтириш мақсадида ўтган йили «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ҳозирча мазкур Қонун иш берувчиларнинг 60-70 фоизини қамраб олган. Эндиликда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга киритилган ўзгаришга асосан ўз ҳодимини мажбурий сўғурта қилмаган иш берувчига энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда жарима тайинланади.

**Танзила Нарбаева:**

— «Устоз-шогирд» тизими бўйича махсус қарор қабул қилинган. Унга кўра қўллаб имтиёзлар жорий қилинган. Жумладан, амалиёт ўтаётган битирувчиларга энг кам иш ҳақининг 20, ишга кирган ходимларга 50 фоиз миқдорда тўловлар амалга ошириляпти. Бундан ташқари, устозларни ҳам моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари қўриляпти. Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказиш, махсус кийим-бош билан таъминлаш, умуман, бошқа рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш бўйича қасаба уюшмалари

устувор вазифаларини белгилаб олди. Кейинги йилда бу борадаги ишларни янада кучайтираман.

**Мадамин Арифонов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари:**

— Тизимимизда ишга тақсимлаш механизми ишлаб чиқилган. Унда корхона, ташкилот, муассаса, идора ва вазирликлар томонидан иш берувчиларнинг базаси шакллантирилган. Бундан ташқари, иш берувчи билан идоралар миқдосида иш берувчиларнинг ҳамда иш берувчи корхоналардаги бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотнома базалари шакллантирилиб, олий таълим муассасаларига етказилган. Шунга кўра битирувчиларни жорий ўқув йилининг феврал ойидан бошлаб ишга тақсимлаш жараёни бошлаймиш. Ҳар бир олий таълим муассасасида ишга тақсимлаш комиссияси тузилган. Эҳтиёжга кўра барча тегишли идоралар билан ҳамкорликда битирувчилар жойларга тақсимланади. ОАВ орқали вилоятлар, туманлар миқдосида бакалаврият ва магистратура йўналишларини битирган ёш мутахассислар ҳақида эълон берилиб, жойларда ярмаркалар ташкил этилади. Умуман олганда, уч босқичли тизим ишлаб чиқилган. Биринчиси, тақсимот комис-

сиялари орқали феврал ойидан бошлаб ишга тақсимлаш, иккинчиси, май-июн ойларида ишга тақсимлашни яқунлаш, учинчиси, октябрь-ноябр ойларида битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши мониторинг қилиб, маълумотларни йиғишдир. Албатта, бу борада муаммолар йўқ эмас. Шунга қарамай, биз иш берувчилар билан биргаликда камчиликларни ўрнатилган тартибда бартараф этишга ҳаракат қилаёلمиз.

1300 дан ортиқ коллеж битирувчилари вилоят ва туманлар миқдосида корхона ва ташкилотларга шартнома асосида бириктирилган. Бунда, табиийки, «Устоз-шогирд» тизими асосида битирувчиларга жойларда кўникмалар ҳосил қилиши, эртага шу ерда етук мутахассис бўлиб етишиши кўзда тутилган.

**Танзила Нарбаева:** — Жамоатчилик назоратини, энг аввало, қасаба уюшмалари олиб бориши лозим. Яратилган иш ўринларида ёшларимиз ишни қанчалик эълойдим, барқарор иш ўринлари сақлаб қолинаётими? Кейинги йиллардаги қасаба уюшма ҳисоботларига шу масалаларни ҳам киритамиз. Ҳар уч ойда барқарор иш ўринларининг назоратини қилиб, тегишли вазирлик ва идораларга мониторинг натижаларини бериб бораемиз.

**Ғайрат Зуннунов, Истеъмол тооварлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси:**

— Ногиронларни иш билан таъминлашда муаммолар бор. Шу масалага алоҳида эътибор қаратилса...

**Фурқат Халилов:**

— Корхона ва ташкилотларда ногиронларни ишга қабул қилишнинг ҳуқуқий механизми мавжуд. 20 тандан кўп иш ўрни бўлган корхоналарда ногиронлар учун 10 фоиздан ушбу фоиз квоталанган иш ўринлари яратилади. Ҳар йили ноябр ойида ҳокимликларнинг тегишли қарорларига асосан иш ўринлари яратадиган корхоналар рўйхати тузилиб, у ердаги иш ўринлари белгиланади. Корхона бу ишда суъташлик қилса ёки ногиронларни ишга олишдан бош тортса, жавобгарликка тортилди. Ушбу механизмни юртимизда қасаба уюшмалари билан ҳамкорликда иш олиб борсақ, ўйлайманки, иш сўраб ёки шикоят билан мурожаат қилувчилар сони бундан-да камайди. Шу ўринда маълумот учун келтириб ўтмоқчиман. Жорий йилнинг 9 ойида квотали иш ўринлари асосида ўн мингга яқин ногирон янги иш ўринлари билан таъминланди. Бунда касб-хунар коллежларини битирганлар алоҳида эътиборга олинган.

**Шухрат Мансуров:**

— Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, бозор иқтисодиёти шароитидаги энг долзарб масалалардан биридир. Ҳозирда 62 минг сўм учун бир ой меҳнат билан банд бўлиш ўзини оқламайди. Аммо энг кам иш ҳақини кўпайтириш билан масала ечим топмайди. Агар унинг миқдорини кўпайтирадиган бўлсақ, қатор солиқ тўловчиларга жуда катта юк пайдо бўлади ва бу албатта, ўзининг салбий натижаларини бериши мумкин. Шу сабабли бундан бундан иш ҳақлари ягона тариф сеткаси бўйича ҳисобланади. Маълумки, ҳар бир разряднинг коэффициентини бор. Шундан келиб чиқиб, маош ҳисобланади. Ягона тариф сеткасининг нулинчи разряди ҳозирги кунда 62 минг 920 сўмга тенг. 2012 йил 1

январдан эътиборан нулинчи разряд минимал иш ҳақиға тенг бўлади. Аммо иш ҳақининг энг кам миқдори биринчи разряд (155800 сўм) билан бошланади.

### Жаҳонгир Абдурасулов, Республика Марказий банки Департаменти директори:

— Мамлакатимизда 30 та тижорат банки фаолият юритмоқда. Охириги йилларда жаҳонда рўй берган молиявий инқироз натижасида кўплаб мамлакатларнинг ялли ички маҳсулотлари ўсиш суръатлари кескин камайди. Лекин бу Ўзбекистонга жуда кам таъсир қилди. Сабаби, 2000 йилдан бошлаб юртимиз ялли ички маҳсулоти ҳажми ўсиб бормоқда. Охириги беш йилда бу кўрсаткич ўртача 8,5 фоизни ташкил этди. Марказий Осиёдаги барча давлатлар орасида бу энг юқори кўрсаткичдир. Бунинг асосий сабабини бюджет профицитида ташқи қарзларнинг камлиги, барқарор банк-молия тизими, ташқи қарзларни олишда эҳтиёткорлик билан ёндашувда кўриш мумкин.

Хозирда фаолият кўрсатаётган 30 тижорат банкидан 21 таси халқаро рейтинг компаниялари томонидан барқарор дея эътироф этилди. Бу йил эса иккинчи марта халқаро «Мудис

рой туманлари филиалларида, шунингдек, «Ипотека» банкининг Миробод тумани филиалида эски ҳолат давом этаёпти. Бу борада нима дея оласиз?

### Жаҳонгир Абдурасулов:

— Бу масалани ўрганиб чиқдик. Банк тижорат ташкилоти бўлиб, икки тарафлама тузилган шартнома асосида иш юритади. Марказий банк томонидан банк ҳисоб varaғи шартномасини тузишда энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдориди аъзолик бадалини тўлаш юзасидан ҳеч қандай тавсиялар берилмаган. Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги 4354-сонли Фармониға асосан, бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш мақсадида банк ҳисоб varaғини тузганлик учун тўлов олиш бекор қилинган. Агар ташкилот банк билан шартнома тузаётганда қандай тўлов белгиланса у қонуний кучға эға. Ҳар бир банк бу тўловни тақлиф эта олади, холос. Бу ҳолатда мажбурийлик йўқ. Сентябр ойида «Ishonch» газетасида бу масала юзасидан мақола чоп этилган. Шундан сўнг Тошкент шаҳридаги барча касабга уюшма ташкилотларидан дебит айланмаларидан олинган барча маблағ, адашмасам, 24 млн. атрофи-



холос. Агар сиз ўртача 100 минг сўм нақд пул олмоқчи бўлсангиз, банк-комат билан уч марта операция бажаришингиз керак. Бундай аҳвол тез-

### Сайёра Рашидова, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман):

— Давра суҳбати ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Бу Президентимиз томонидан тақлиф этилган Концепцияда белгилаб берилган устувор вазибаларни амалиётға таътиб этишда муҳим қадам бўлди. Иккинчидан, бундай тадбирлар жамоат назорати ва ижтимоий шерикликнинг ишлашида муҳим омил бўла олади. Буларнинг барчаси бир мақсад сари йўналтирилган: жамиятнинг барча қатламлари ҳақ-ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоялаш.

Давра суҳбатида айтилган, ўз ечимини қутаётган муаммоларға тегишли саволлар бизға ҳам кўп марта лаб берилади. Бу муножаатлар исиз кетмайди, албатта. Эътиборингизни яна бир муҳим масалаға қаратмоқчиман. Бизда мукамал қонунчилик тизими ишлаб чиқилган ва у босқичма-босқича амалиётға таътиб этилмоқда. Лекин, вилоятлар ва чекка туманларда қонулар жirosи оқсамоқда. Наҳажада, сизу бизға кўплаб хатлар йўланади, шикоятлар юзаға келади. Масалан, кредит олишда қийинчилик ва мураккабликлар кўп, коммунал хизматлари яхши эмас ва ҳоказолар.

Тақлифим, биринчидан, ҳар бир идорада жамоат назоратини қучатириш керак! Иккинчидан, жойларда профессионал билим ва тажрибаға эға кадрларни қўлайтириш лозим. Шу каби учрашувлар жудаим керакли. Бу — аниқ ҳаракат, самарали йўл. Шунда шикоятлар ва муножаатлар сони қисқарди.

### Танзила Нарбаева:

— Тадбир давомидида меҳнатқашлар томонидан билдирилган муаммоларнинг сабаблари, ҳал қилиш йўллари тўғрисида ошқора фикрлашиб олдик. Давра суҳбатида иштирок этган ҳамкорларимиздан илтимосимиз шуки, касабга уюшма етакчиларнинг тажрибасидан, моддий ресурсларидан жойларда кенгрок фойдаланилса мақсадға мувофиқ бўларди. Чунки сафимизда етти миллионга аъзо бор. Бошланғич ташкилотлари бошқа жамоат ташкилотларидан фарқи равишда ҳамма ташкилотда ташкил қилинган.

Шу нарсани хулоса қилдикки, муаммоларни аниқлагандан кейин муножаам равишда тегишли вазирилик, идоралар, жойларда эса тегишли ҳокимликлар билан биргаликда ҳал қилиб борсак, балки кейин учрашганимизда унинг яхши натижалари яққол кўзға ташланади.

Келгуси йил Юртбошимиз томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинди. Хозирда Давлат дастури шакллантириляпти. Касабга уюшмалари Федерацияси томонидан бу борада саккизта йўналиш бўйича тақлифлар берилди.

Федерация Кенгаши раиси давра суҳбатини якунлар экан, томорқачиликни ривожлантириш, хизмат турларини кенгайтириш, туризмни ривожлантиришға касабга уюшма ташкилотлари томонидан алоҳида аҳамият берилётганини қайд этиб ўтди.

Бир сўз билан айтганда, давра суҳбатида вазирилик ва идоралар ходимлари ва касабга уюшмалари фаоллари иштирокида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятға моллик масалалар» юзасидан олиб борилётган ишлар самарасини ошириш, ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, бу орқали жамоа шартномалари ва келишувлари ижросини тўлиқ таъминлашға эришишингиз муҳим жиҳатлари муҳоама этилди.

Шунингдек, жойларда жамоа шартномалари ижросини ўрганиш жараёнида учраётган долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳамкорликда бартараф этишға эътибор қаратилди.

Ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича олиб борилётган фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, меҳнатқашларға Юртбошимиз раҳнамолигида амалға ошириляётган мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги иқтисодий ислохотлар муҳиятини етказиш ишларини янада фаоллаштириш бўйича тадбирлар белгилаб олинди.

Ўз мухбирларимиз Икром ХАСАНОВ олган суратлар

### Томорқа — қони фойда



## Йиллик даромад — 17 миллион

Гурлан туманининг Хизир эли қишлоғи «Деҳқон» маҳалласида истикомат қилаётганларнинг кўпчилиги томорқаларида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб, тўкин турмуш кечириб келишади. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг томорқалардан янада унумли фойдаланишға доир Муножаати маҳалла аҳлини руҳлантириб, ғайратиға ғайрат, қўшди.

— Тўкинчилик — меҳнат самараси, — дейди нафақадор Олламбергн Тожиев. — Кичкинагина боғимизда етиштирилган меваларни ўзимиздан орттириб, вилоятимиз аҳолисиға тортиқ қиляпмиз. Шу билан бирға, мош, қарам, сабзи, қартошқадан ҳам мўл ҳосил олиб, қишға ғамлаб қўйдик.

Хонадонда бўлганимизда оиланинг ҳамжиҳатлигиға, тадбиркорлигиға тан бердик. Дастурхон уйда етиштирилган нознеъматлар билан тўла. Сархил мевалар, улاردан тайёрланган тилёрар мурабблар... Қаранки, Олламбергн ака Хоразм иқлим шароитида етиштириш қийин бўлган бодомдан ҳам мўл ҳосил олибди. Оила ўз чорвасиға, паррандасиға ҳам эға. Бу йил томорқадан олинган даромад 17 миллион сўмдан ошди.

— Биз саховатли заминда яшаймиз. Бекорға еримизни таёқ суқсанг, дарахта айланади, деб таърифлашмайди. Озгина меҳнат қилган одам барақа топмай қолмайди, — дейди оила дарғаси. — Шундай имкониятдан фойдаланмаслик, гуноҳ деб ўйлайман. Томорқа тўкинлик, фаровонлик манбаи эканлигини ўз ҳаётимиз мисолида кўраймиз.

Маҳаллада бўлганимизда у киши каби томорқадан унумли фойдаланяётган инсонлар кўпчилигини кўрдик.

Этамбергн Наҳимов хонадони томорқасидан мўл ҳосил олиб, қишға ғамлаб қўйган: тарвуз, қовун, ўрик қоқи, олма, турли шарбатлар, помидор, қарам, бодринг, булғор қалампир, тузламалар... Бу эса оиланинг қиш фаслида ҳам дастурхонини тўкин бўлиши, фарзандалар витаминларға бой маҳсулотлар истеъмол қилиб вояға етишларидан далолат.

Нивзат Қуриёзов оиласи иссиқхонада помидор, бодринг, булғор қалампирни қўчатлари етиштириш бўйича катта тажрибаға эға. Бахтиёр Собирев хонадонидиға иссиқхонада ҳам помидор, бодринг етиштирилиб, аҳолиға етказиб берилмоқда. Жумабой Раматовнинг 6 та соғин сиғири, 20 та товуги бор. Шеримнат Аҳмедов оиласидаги 7 ҳўкиз, 6 сиғир ва товуклар хонадоннинг тўкин турмуш кечиришда муҳим рол ўйнамоқда. Бежизға бу маҳаллани «Деҳқон» деб номлашмаган экан.

Зеваржон КўЧҚОРОВА, журналист

# ШЕРИКЛИК ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

рейтинг» компанияси Ўзбекистоннинг банк-молия тизимининг барқарор ривожлантаётганини тасдиқлади.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли қарориди 2011-2015 йилларда Республика уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:

да эди, қайтариб берилди. Касабга уюшмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бундай тўловлар «Халқ банки» томонидан хозирги кунда ҳам олинаятгани йўқ. Шунингдек, банк билан шартнома тузаётганда эътиборлироқ бўлиш фойдадан холи эмас.

### Соғиндик Ниетуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:

— Пластик карточка тизими жорий этилгандан сўнг бир қанча қўлайликларға эға бўлдик. Лекин бу борада айрим ноқулайликларға ҳам дуч келяпмиз. Олайлик, банккоматлар масаласи. Бундан ташқари, нақд пулда 100 минг турган маҳсулотни пластик

тез такоррланаверса, банккомат тезда бузилади. Бу эса ўз-ўзидан яна ортикча чиқим.

Вазирлар Маҳкамасининг 445-қарори 2-бандиға мувофиқ, Республикамиз ҳудудидиға терминаллар барча банкларнинг пластик карточкаларини қабул қилади. Бу тизим бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. Юртимизда 847 дона банккомат ўрнатилган. 2012 йилнинг биринчи чорағидан 500 кишидан ортиқ ишчи-ходими бўлган ташкилотға банккомат ўрнатилди. Тошкент шаҳрида бу жараён бошланди. Йирик супермаркет ва савдо маҳмуалариға банккомат ўрнатилмоқда. Ҳудудий Марказий банкларға тегишли топшириқлар берилган.

### Жаҳонгир Абдурасулов:

— Жорий йилнинг декабр ойидан бошлаб ҳар кун телевидение орқали ролик бериб борилмоқда. Бирор бир жойда нақд пул ва терминал нархлари орасида фарқ бўлса, Марказий банк, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг «Ишонч телефонлари»ға кўнгирок қилишингиз мумкин. Шунда нарх тафовути муаммоси жойида ҳал этилади. Шунингдек, терминал ишламаяпти, чироқ йўқ каби баҳоналар кетмайди. Бундай ҳолатларда жиддий жазо чораси қўлланилади ёки катта миқдорда жарима солинади. Терминал ўрнатилди у, албатта, ишлаши керак.

### Эсон Ражабов, Қашқадарь вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:

— Адлия вазириликнинг жойлардаги бошқармалари томонидан янгидан ташкил этилган бошланғич касабга уюшмаларини юридик шахс сифатида рўйхатға олиш масаласида қийинчиликлар бор. Солиқ органлари томонидан бошланғич касабга уюшмаси ташкилотларға СТИР олиш қийин. Адлия бошқармалари ҳам рўйхатға олмаёпти. Шу сабаб банкларда ҳисоб рақамини очиб қийин кечмоқда. Ваҳоланки, тармоқлар бўйича Республика, вилоят касабга уюшма кенгашлари Адлия органлари рўйхатидан ўтган. Битта устав асосида ишлаётган бошланғич ташкилот ҳам алоҳида рўйхатдан ўтмайди-ку. Шу масалаға аниқлик киритсангиз.

### Умид Шодиев, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик вакили:

— Ҳисоб рақами очиб бўйича Марказий банкнинг 2009 йил 16 мартдаги қарори Адлия вазириликдан 2009 йил 27 апрелда 1948-сонли рўйхатдан ўтган. Унга мувофиқ, рўйхатдан ўтиш учун бирорта ҳужжат бериш шарт эмас. Бунинг юридик шахсининг илтимосномаси асосида амалға ошириш мумкин. Қолаверса, Федерация уставини ҳужжат сифатида тақдим этиш мумкин.

### Сирожитдин Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси прокурори:

— Давра суҳбатидан иш берувчилар ва ходимлар ўртасида қандай муаммолар мавжудлигини билиб олдик. Масалан, иш жойларини аттестациялаш масаласида. Умуман, мазкур муаммоларни қонун доирасида бартараф этиш назоратға олинса, мавжуд масалада аҳвол яхшиланади. Бу соҳада прокуратура барча манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.



Халқаро Базел (Швейцария) қўмитаси стандартларини олиб қарайдиган бўлсак, юртимиз банк тизимининг капитали етарлилик даражаси халқаро меъёрлардан 3 баробар ортиқлиги маълум бўлади. Масалан, ХБК стандартиға кўра капиталнинг етарлилик даражаси 8 фоиз деб белгиланган бўлса, бизда бу кўрсаткич 24 фоизға тенг. Умуман, халқаро ташкилотлар томонидан қанча кўп эътирофға сазовор бўлсак, четдан капитал олишимиз... инвестициялар киритилиши оsonлашади. Банк ва молия тизимини халқаро майдонларда ҳам ўз ўрниға эға бўлади.

### Нурилла Насимов, Тошкент шаҳар касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:

— Банклар томонидан миқдорға кўрсатиляётган хизматлар учун аъзолик бадали энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдориди белгиланган. Кичик ташкилотларға бир йиллик 700-800 минг атрофидаги аъзолик бадали оғирлик қилади. Бу кичик ташкилотларнинг ёпилиши билан баробар. Бу борада Марказий банк раҳбариятиға мулоҳазаларимизни билдирган эдик. Қувонарлиси, ҳар бир ташкилотнинг молиявий имкониятлари ҳисобға олиниб, аъзолик бадаллари белгилансин, деган ижобий жавоб олдик. Лекин шунға қарамасдан, «Халқ банки»нинг Ҳамза ва Яққаса-

карточкада 120-125 минг сўм атрофида сотиб олишға мажбур бўляпмиз. Бу ҳақда нима дея оласиз?

### Жавоб:

— Давлатимиз ҳудудидида пластик карточка тизими асосан 2005 йилдан ривожланмоқда. Бугун юртимизда 115 мингта савдо-хизмат курсатиш шохобчаси мавжуд бўлиб, шулардан 100 мингта сўм терминаллар билан таъминланган. Яна битта муҳим масала, буларнинг барчаси тижорат банкларининг маблағи ҳисобидан амалға оширилмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги 1325-сонли Қарорининг 4-бандиға мувофиқ, Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва Марказий банк зиммасиға ягона тариф реҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Шунға мувофиқ тижорат банклари фақатгина терминал учун ижара ҳақи олиш ҳуқуқиға эға. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб мақсадида, бу қарорға ўзгартириш киритилиб, яқна турдаги тадбиркорлар учун тўлов 5 евро миқдориди белгиланди. Бу миллий валютасида 13500 сўмға тўғри келади. Юридик шахслар учун эса 15 евро тўлов бор. Битта терминал ижараси банкка ойиға 50 минг сўмға тушади. Битта банккоматға хизмат кўрсатиш бу суммадан 10 баравар кўп. Бундан ташқари, банккоматлар четда ишлаб чиқарилгани боис, чет эл валютаси ҳисобига сотиб олинади. Шунингдек, бундай банккоматларға евро, долларға мўлжалланганлиги учун бор-йўғи қирқта купюра синади, яъни 40 минг сўм ололасиз,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши жамоаси Соҳа ходимларини, барча юртдошларимизни кириб келаётган Янги йил билан табриклайди. «Мустаҳкам оила йили»да уларға соғлиқ, фаровон турмуш, оилавий бахт, дастурхонларига файзу барақа тилайди. Янги йилнингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

## Мафтункор оҳанглар

«Кизилкум овози — 2011» эстрада кўшиқлари ёш ижрочилари танлови истеъдод соҳибларини аниқлаб берди.

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Фарҳод» маданият саройида IX эстрада кўшиқлари ёш ижрочиларининг «Кизилкум овози — 2011» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Навоий КМКга қарашли барча маданият муассасаларида ижод қилиб келаётган 16 нафар ёш санъаткорлар 3 босқичдан иборат шартлар бўйича ўзаро беллашишди.

Тошкент Давлат консерваторияси қошидаги актёрлар студияси директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қозим Қайумов раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъатига голибни аниқлаш осон бўлмади. Мурасасиз беллашулар натижасига кўра, учинчи ўрин «Фарҳод» маданият саройи хонандаси Самандар Ҳамидов ва «Наврўз» (Кармана) маданият уйидан Умида Йўлдошева-ларга насиб этди. Иккинчи ўринга Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий» маданият уйи хонандаси Фарида Мамедова сазовор бўлган бўлса, Зармитан шаҳридаги «Кончи» маданият уйи вакили Анвар Ибрагимов биринчи ўрин совриндори деб эълон қилинди. Энг юқори ўрин — Гран-При билан Учқудуқ шаҳрининг «Современник» маданият уйи вакили Бону Исҳоқова тақдирланди. Голиб ва совриндорлар диплом, рангли телевизор, компьютер, микротўнгли печ ва бошқа қиммат-

баҳо совғалар билан мукофотланди. — Жуда ҳаяжонданман, — дейди Гран-При совриндори Бону Исҳоқова. — Очиғи, шундай натижага эришаман, деб ўйламагандим.

Галаконцертда фахрий меҳмон ва ҳакамлик даражасида иштирок этаётган таниқли хонандалар чиқишларига ҳам эътибор берилди.

Тантанали тадбир сўнггида Навоий кон-металлургия комбинати бирлашган касаба уюшма кўмитаси кенгаши раиси Исроил Раҳматовни мулоқотга тортди.

— Гап ёшларимиз истиқболи, уларнинг камолоти хусусида эканлиги боис, аънавий танловлар юсак даражада бўлишига катта аҳамият беряпмиз. Келгусида биз кашф этган янги номлар эл ардоғида бўлишларига ишонаман.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,  
«Ishonch» мухбири

### Тадбир

## Эзгу ишлар бардавомлиги

Конституциямиз қабул қилинган кун халқимиз ҳаётидаги муҳим саналардан бири ҳисобланади. Ҳар йили ушбу улуғ байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлашга одатланганмиз. Шу муносабат билан турли тадбирлар ўтказиш, ижтимоий муҳофазага йўналтирилган кенг қўламли юмушларни амалга ошириш аънамага айланган.

Меҳнат аҳлининг ишончли ҳимоячиси ва мустаҳкам сунъчи ҳисобланган касаб уюшма ташкилотлари ҳам мазкур хайрли ишларда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 19 йиллиги муносабати билан барча ҳудудий касаб уюшма ташкилотларида, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Алоқа ходимлари, Авиаходимлар, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаб уюшмаси Марказий кенгаши, Санатор-курортлар бошқармасига қарашли санаторийларда «Конституция — бахтимиз қомуси», «Сиз қонунни биласизми?» каби мавзуларда 8733 та семинар ва давра сўбатлари, илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Уларга 1 млн. 114 минг 178 нафар ишчи-ходим, талаба-ёшлар жалб этилди.

Шунингдек, касаб уюшма ташкилотлари томонидан байрам арафасида

ишчи-ходимлар ва талаба-ёшлар ўртасида турли спорт тадбирлари ташкил этилди. Мисол учун, Сирдарё вилоятида «Саломатлик» спартакиадаси, Тошкент шаҳар ташкилотларида спортнинг бир неча тури бўйича мусобақалар, Тошкент вилоятида аёллар ҳамда Бухоро вилоятида эркеклар ўртасида минифутбол беллашувлари, Фарғонада велоспорт бўйича вилоят чемпионати, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан «Отан, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақалари, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши тизимида «Саломатлик» спартакиадаси уюштирилди. Бундай тадбирлар Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаб уюшма ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами моддий ва маънавий қўллаб-

қуватлаш ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаб уюшма ташкилотлари, Алоқа ходимлари, Авиаходимлар, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаб уюшмаси Марказий кенгаши, Санатор-курортлар бошқармаси томонидан кам таъминланган оилалар, яққа-ёлғиз қария ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг 9385 нафарига 308 млн. сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Бундан ташқари, вилоятлар касаб уюшма ташкилотлари бирлашмалари, Авиаходимлар, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаб уюшма ташкилотлари, Санатор-курортлар бошқармаси 101 та «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларига 30,5 млн. сўмлик ҳоимийлик кўмаги кўрсатди.

Бу каби эзгу ишлар Конституциямизда мустаҳкамланган инсонпарварлик тамойилнинг мазмун-моҳиятини фуқаролар онгига янада чуқур синдиришга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

### Мулоҳаза

Чочорлик айб эмас. Аммо инсон қалбан ночор бўлса, жирканч маълукқа айланар экан. Яқинда курсдошим Дилноза билан кўчада кетаётганимизда икки тиланчи бола пул сўраб йўлимиздан тўхтади. Ҳали оққорани танимаган бу гўдакларни кўриб, йиғлаб юборай дейсан киши. Пул бердим-у, кейин дугонамга қўл чўзди. Дилноза «пулим йўқ!» дейиши билан қўлига маҳкам ёпишиб олган болакай оғзини тўлдириб тупуришга тушди. «Пул бермасанг, яна тупураман».

## Тиланчими ё талончи?

Қизик, нега улар бирор егулик эмас, айнан пул сўрашади? Чеккароқда худди ўзи яратган филмни диққат билан томоша қилаётган режиссёрдек болакайларнинг онаси бизни кузатиб турарди. Унга кўзим тушди, чора топгандай бўлдим: болангни ол, деб ишора қилдим. Аммо она пинагини ҳам бузмасди. Бир амаллаб болалардан қочиб кутулдик. Ортимиздан югуриб ярим йўлда қолган болалар ҳечам тупуришдан тўхташмасди. Орқамиздан аёлнинг баланд овози эшитилди. Бу ўша «режиссёр» она эди. Овозидан қарғайтгандай туюлди. Жирканч қилиқларидан қочаётганимиз учун бизни қарғайтими ёки шу мушдек болаларига муносиб меҳр, инсонийлик туйғуси, ширинсўз, бахтиёр ҳаёт бера олмагани учун ўзини койиб афсусланяптими, билолмадик.

Ажаб, кўчанинг «зўравони»га айланган бу болалар наҳот биз билан замондош бўлса? Ҳеч ким уларнинг мушугини «пишт» демаса? Ахир биз «бир болага етти маҳалла ота-она» тамойилига амал қилиб яшаган халқ вакилларимизку! Наҳотки, маҳалла посбонлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари бу ҳолни кўрмаса? Фарзандига одамийлик сабоқларини бера олмаган «томошабин она» лоқал дилбандига сабрни, ҳалол меҳнат қилиб ризқ топишни ўргатмаса, унинг оналик бурчи қаерда қолади.

Садақа — радди бало. Лекин у фақат пул билан ўлчанмайди. Бу ҳақда китобларда ҳам ёзилган. Кўнгли оғриб турган инсонга бир оғиз ширин сўз айтиш ҳам, кимгадир қулиб қараш, яхшилик қилиш ҳам аслида садақа ҳисобланади.

Дарёни ҳавас қилганинг билан бир коса сувга чанқоғинг қонади. Фарзандига тиланчиликни раво кўргандан кўра ҳалол меҳнатни, инсоний фазилатларни ўргатиш дуруст эмасми?! Тиланчи онадан сўрасангиз: «Тиланчилик — ота-болаларимиздан қолган одат, бу «қасб»ни қилмасак, уларнинг руҳи безовта бўлади. Болаларни ҳам гўдаклигидан шунга ўргатамиз», дейишади. Тавба, улар қандай ота-болаларки, ўз болаларининг кўчада изғиб юришидан руҳи шод бўлса?!

Келинг, тиланчиликни ихтиёр этганларга Аллоҳдан сабр тилайлик: ақл-заковат, инсоф ва қаноат берсин. Зеро, қаноат инсоннинг энг гўзал фазилатидир.

Ҳилола ҒАФҒОРОВА,  
ЎзДҲТУ халқро журналистика факультети талабаси

## Бухоро вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётган юртимиз аҳлини яқинлашиб келаётган янги — 2012 йил билан Чин дилдан табриқлаймиз! Улуғ ниятлар, хуш кайфият билан Янги йилни кутиб олаётган халқимизга тинчлик-тотувлик, бахту иқбол, сиҳат-саломатлик, дастурхонларига барака, яратувчанликнинг барча жабҳаларида омадлар қулиб боқишини тилаймиз! «Мустаҳкам оила йили» юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги, оилаларимиз бахти ва саодати, фарзандларимиз камолоти йили бўлсин!



## Азиз ва мухтарам юртдошлар!

31  
Декабр

Жонажон Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини қириб келаётган янги 2012 йил айёми билан самимий қутлаймиз, Ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилаймиз! Омонлик, муваффақият, юрт маънурчилиги абадий бўлсин!

## «Тошгазтаъминот» унитар корхонаси

**Insonga naf keltirish**  
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN  
Oliy baxt

**Muassis:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**  
Normamat ALLAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Muhammad Ali AHMEDOV,  
Oksana BELAUSOVA,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Baxtiyor MAHMADALIYEV,  
Sot'indiq NIYETULLAYEV,  
Eson RAJABOV,  
To'liqin TESHABOYEV,  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90  
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43  
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**  
Andijon + 99897 465 05 68;  
Buxoro + 99893 653 50 81;  
Jizzax + 99872 360 00 10;  
Navoiy + 99893 725 46 40;  
Namangan + 99897 491 79 28;  
Samarqand + 99866 708 70 12;  
Suxondaryo + 99897 458 05 07;  
Farg'ona + 99873 221 93 19;  
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;  
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manziligimiz:**  
100165, Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail:  
ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**  
133

**Navbatchi muharrir:**  
A. Abdullaev  
Navbatchi:  
A. Arslonov  
Musahhih:  
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Sahifalovchi:  
H. Abduljalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili:  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikr tahririyat nuqtai nazaridan farg'atishni mumkin.

© - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.  
Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00  
Topshirildi - 02.50

**Buyurtma № — 1211**  
12824 nusxada bosildi  
1 2 3 4 6